

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 13-avgust, chorshanba
№ 63 (15805)

Navqiron avlod so'zi

Истиқлол оқробида унган ниҳолман

Мен учун ҳар бир инсон ижодкор: кимдир ҳис-туйғуларини сатрларда ифодаласа, яна кимдир ички кечинмаларини гўзал хонишлар орқали изҳор этади. Ҳатто оддийгина деҳқон ҳам даласида ўзининг «санъат асари»ни етиштиради. Бугунги кунда юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар туфайли истеъдоди рўёбга чиқиб, устозлари кўмагида камол топаётган ўғил-қизлар талайгина. Уйлаб қоламан: давлатимиз ёшларга шундай катта эътибор қаратаётганининг негизида мен каби тенгдошларимнинг бугунги муваффақиятларига умид ва ишонч мужассам экан-да?! Ахир, биргина ниҳолнинг азим чинор бўлиши учун ҳам қулай шарт-шароит, муҳит зарурку! Ишонч билан айтаманки, ниҳолни ерга экиб қўйишнинг ўзи камлик қилади. Унинг униб-ўсиши учун оби ҳаёт, қуёш нури, ернинг тафти ва, албатта, боғбон меҳри керак.

Болалигимдан санъатнинг гўзал турларидан бири ракс билан мунтазам шуғулланаман. Нафис ҳаракатлар билан атрофдагиларга хурсандчилик улашишни яхши кўраман. Дил сўзларимни эса шеърларимда ифода этаман. Ўтган йиллар давомида «Аёллар спартакиадаси»да, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик байрами, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда Наврўз байрами тадбирларида қатнашдим. 2007 йил Чироқчи шаҳрида бўлиб ўтган республика «Бахшилар ва Оқинлар» IV фестивалида иштирок этдим.

Қолаверса, олти йил мобайнида «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши бошланғич ташкилотидан сардорлар билан иш олиб бордим. 2008 йилда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим.

2009 йилда давлат гранти асосида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга кирдим. Бугун шу факультетнинг иккинчи босқич магистрантиман. Ўқиш даврида соҳамни кенгроқ ўрганиш мақсадида олиб борган изланишларим натижасида «Сиёсий ПР» илмий-оммабоп рисолам ҳамда «Ўзбекистон сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқалари» номли монографиям нашр этилди.

Изланишларим, интилишларим самараси ўларок, ўтган йили «Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари» мавзусидаги илмий-амалий семинарнинг республика босқичида «Энг намунали маърузачи» номинацияси голиби бўлдим. Бугунги кунда юздан ортқ тахлилий-танқидий, публицистик ҳамда йигирмадан зиёд илмий мақолалар муаллифиман. Алишер Навоий номидаги давлат стипендијаси соҳиби бўлдим.

Мен истиқлол тенгдошиман. Биз, ёшлар мана шундай чексиз имкониятлардан тўғри фойдаланишимиз, вақтимизни фақат ўқиш ва изланишларга сарфлашимиз керак, шундагина бирдамликда, бир жамоа бўлиб ўз мақсадимизга эришамиз, деб ўйлайман.

Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳибаси

Ҳаракатнинг бетакрор тухоралари



«Kamolot» loyihalari

**12 август — Халқаро
ёшлар куни — 1999
йилда Бирлашган
Миллатлар Ташкило-
тининг Бош Ассам-
блеясида таъсис этил-
ган. Анъанавий ра-
вишда ушбу сана
муносабати билан
дунё мамлакатларида
турли акция ва лойи-
ҳалар ўтказилади.**

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олтидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларга ажойиб янгиликларни тақдим этди. Шу кунларда Ҳаракат ташаббуси билан бир йўла иккита йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Дастлабки «Ватанга муҳаббатим изҳори. Тўйга тўёна билан!» деб номланади. Бу бутунлай янги, креатив лойиҳа бўлиб, интернет тармоғида оммалашди. Бир ҳафтадан буён www.kamolot.uz сайти ва Ҳаракатнинг иж-

тимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали юртимиз ёшлари ва хориждаги тенгдошларимиз турли шакл, услуб ва тилларда Ўзбекистонга муҳаббатини изҳор этмоқда. Лойиҳа логотипи акс этган стикерлар деярли

бутун дунё бўйлаб тарқалди. Ҳозирга қадар Германия, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия ёшлари ўз кутловларини йўллаган. Аммо ўзбекистонлик ёшларнинг тухфалари ҳаммасидан ҳам аъло. Улар орасида бадиий адабиёт, шеърят, турфа хилдаги санъат ва ҳунармандчилик асарларини, интеллектуал мулк маҳсулотлари ва яна бир талай антиқа гоё ва ташаббусларни кўриш мумкин. Ўзбек тилидаги биринчи глобус, ноёб хусусиятли

антенна, «23» рақами туширилган сопол ликопчалару смартфонлар учун байрам руҳини берувчи бетакрор дизайндаги тасвирлар, болалар чизган расмлар, ўнлаб шеърлар ва ҳатто, юртимиз байроғининг ранглари ила товланувчи махсус неонли ёриткичлар билан безатилган миллий автомобиллар... Эҳ-ҳе, қисқа қилиб айтганда, ёшларнинг топқирлигию фантазиясига гап йўқ!

(Давоми 3-саҳифада)



4

МАКТАБ
ЯРМАРКАЛАРИДА



6

ЎЗГА ЮРТДАН
БАХТ ИЗЛАМА

Iftixor

Эзгулик боғининг боғбонлари

Асримизнинг шитоби баланд. Бу шиддат инсон тафаккурини ҳам ҳар томонлама қамраб, янги-янги ихтиролар силсиласини юзага келтирмоқда.

Мана Ватанимиз мустақилликка эришганига ҳам 23 йил бўлди. Озод дийрда яшаб, ўқиш-ўрганиш ва меҳнат қилишнинг гаши ўзгача. Айниқса, бугунги кун ёшларининг аср шиддатига жавобан билим ва салоҳиятининг баландлиги, ҳаётнинг ҳар бири саволига тезкор жавоб бериши қалбимизни қувончга тўлдирди. Ўзбек ёшлари бугун дунёнинг барча мамлакатларидаги билимдон ёшлар билан беллашишга тайёр.

Бу борада мен ўзим хизмат қилаётган Тошкент педиатрия институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиларининг иқтидори билан мақтана оламан.

Ҳар бир инсон умри давомида эзгуликдан боғ яратиши зарур, бу боғ мевасидан баҳраманд кўнгиллар дуоси унинг икки дунёсини обод айлайди.

Аслида боғни бунёд этишда боғбон астойдил тер тўкиши лозим. Озод Ватанда яшаш бахти жуда тотли, аммо бу неъматни асраб-авайлаш бурчи ҳам бор. Агар ҳар биримизнинг дилимизда «Мен халқимга, Ватанимга нима бера олдим?» деган савол жаранглаб турса, билингки, сиз мана шу табаррук элнинг ҳақиқий фарзандисиз...

Айниқса, ўқитувчилар олдида улкан масъулият бор.

Шу ўринда ўқитувчи ким, деган савол туғилади. У бор-йўғи ўқувчига билим берувчи инсонми?

Йўқ, ҳақиқий ўқитувчи ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан уйғун кўради. Ўқувчига билим бериш баробарида унинг дунёқараши, қизиқишлари доирасини кенгайтиради. Келажакка мунаввар нигоҳ, уйғоқ фикр ила қарагувчи комил инсонни шакл-

лантиради. Мен иш жараёнида ҳар хил ўқитувчиларга дуч келдим. Ҳаёт тажрибаларим асосида шу нарсага амин бўлдимки, ҳар қандай тараққиёт ва рангин мўъжизалар илдири ўқитувчи ўқувчига бераётган мукаммал билимда экан.

2008 йилдан 2014 йилгача лицейимиз ўқувчиларининг эллик нафари республика фан олимпиадаларининг барча босқичларида ғолибликни қўлга киритиб, халқаро ва жаҳон олимпиадаларидан юртимизга 4та олтин, 6та кумуш ва 9та бронза медални олиб келди.

Яқинда, яъни 21 июлда Вьетнамнинг Ханой шаҳрида кимё фанидан бўлиб ўтган 46-жаҳон олимпиадасида ўқувчимиз Беҳзод Болтаев олтин, Жавлон Муҳсимов кумуш, Бобур Болтаев ва Эъзога Исаева бронза медалларни қўлга киритди. Бу эса мустақиллигимизнинг 23 йиллигига муносиб совға бўлди, деб ўйлайман. Энди ҳисобимизда 5та олтин, 7та кумуш, 11та бронза медал бор. Аслида гап медалларда ҳам эмас, балки



ўқувчиларимиз билим доирасининг кенглиги, қолаверса, дунё билимдонлари орасида ғолибликни қўлга киритганида, шунга муносиб бўлганида.

Ўзингиз ўйланг, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Хитой, Исроил, Россия, Корея Республикаси каби дунёнинг кучли мамлакатларидан келган 292 нафар ўқувчи орасида зафар билан қайтган ўзбек болаларига ҳавас қилмай бўларканми?! Бу фактлар озод юртимиз фарзандларининг ҳеч

кимдан кам эмаслигининг яна бир исботи эмасми?

Ханойга ўқувчиларимизни бошлаб борган кимё фани билимдони, ўқитувчи Саидикром Саидумаров 46-жаҳон олимпиадаси тафсилотларини барчамизга ҳаяжонланиб гапириб берганида қалбим қувончга тўлди. Унинг айтишича, бир қатор мамлакатлардан келган нуфузли кимёгарлар олимпиаданинг амалий босқичида ўқувчиларимиз иқтидорига тан берган.

Ҳар бир ота-она ўз орзу-умидини, бахтини фарзандининг келажигида кўради. Ҳақиқий ўқитувчи ҳам худди шундай — умрини ўқувчиларининг муваффақиятларида кўради. Мен ҳам айнан мана шундай туйғу билан яшайман.

Ортиқбой ЭШОНҚУЛОВ,
«Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби,
биология фанлари доктори, профессор

Maftuningman, O'zbekiston!

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ХАЛҚИНГИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУФИДИР

Мамлакатимизни кўриш, халқимизнинг бой маданияти ва анъаналари билан танишиш, хушманзара табиатимиздан баҳра олиш мақсадида юртимизга келадиган сайёҳлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ниятидаги хорижлик ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. ЎЗА муҳбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Стефан ЛЕМАНН, ишбилармон (Германия):

— Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарларини бир кўрсам, деб орзу қилардим. Бу ниятимга етганимдан қувончим чексиз. Шаҳарларингизда ўтмиш ва замонавийлик ёнма-ён яшар экан. Кенг ва раvon кўчалар, мухташам бинолар мамлакатингиз тараққиётдан далолат беради.

Аваллари Ўзбекистон ҳақидаги тасавурларим фақат тарихий обидалар билан боғлиқ эди. Саёҳатим асосида юртингиз табиатининг гўзаллигига, туризмнинг кўплаб йўналишлари изчил ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдим. Буни юртингизда қад ростлаётган янги замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мен «International Tashkent» меҳмонхонасига жойлашдим. Бу ерда яратилган шароит халқаро талаблар даражасида. Бир-бирини такрорламайдиган, юксак дид билан безатил-

ган шинам хоналар, юқори сифат даражасидаги хизмат, хушмуомала ходимлар, самимий меҳмондўстлик муҳити ҳар қандай кишига ҳузур бағишлайди.

Яна бир жиҳат эътиборимни тортди — Ўзбекистонда бозорлар тўкин-сочин, хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Бу мамлакатингизда сайёҳликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Сун ЧХОН, шифокор (Корея Республикаси):

— Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишончли ҳамкор. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланаётганидан хурсандимиз. Биз, шифокорлар ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Мамлакатингизда ҳар бир йилга муайян ном берилиши ва шу асосда ижтимоий муҳим масалалар ҳал этилиши менга жуда манзур бўлди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йил Ўзбекис-

тонда Соғлом бола йили, деб эълон қилинганидан хабарим бор. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт марказлари, болалар спорт мажмуалари бунинг учун кенг имконият яратмоқда. Ўзбекистонлик шифокорлар билан ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофазалашдек хайрли ишга ҳисса қўшиш ниятидамы.

Сандер РОЙ, ўқитувчи (Хиндистон):

— Мамлакатингиз иқлими йилнинг исталган пайтида бу ерга саёҳат қилиш имконини беради. Саёҳат дастурлари йўналишининг кенг қамровлиги ва қизиқарлилиги сайёҳларни ўзига жалб этмоқда.

Тошкент жуда гўзал ва озода шаҳар экан. Бу ерни сайр қилиб, баҳри дилим очилди. Қадимий ёдгорликлар, музейлар менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон тарихига оид билимни янада бойиди.

Мамлакатингиз ёшлари инглиз ва бошқа чет тилларида эркин сўзлашар экан. Ҳамюртларингиз билан мулоқот қилиш саёҳатимнинг янада мазмунли ўтишига, Ўзбе-

кистоннинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, туристик салоҳияти ҳақида тўла, қизиқарли ва фойдали маълумот олиш имконини берди.

Карл ИЛЬВЕС, муҳандис (Эстония):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Тасавуридаги билан бугунги кўрганларим ўртасида катта фарқ бор. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги мени хайратга солди. Мамлакатингизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳамжихатликда ҳаёт кечириётганини кўриб ҳавасим келди. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси бетакрордир. Тошкент шаҳри бўйлаб сайр қилиш, Мустақиллик майдонини, музей ва галереяларни томоша қилиш имконига эга бўлдим. Музейларда кўплаб ўқувчи ва талабаларни кўриб, Ўзбекистон ёшларининг ўз тарихига, бой маданий меросга катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишига ишонч ҳосил қилдим.

Ўзбекистонда куннинг қайси маҳали бўлишидан қатъий назар одамларнинг хотиржам сайр қилиб юрганини кўриш жуда қувонарлидир. Ҳамма мамлакатда ҳам одамлар ўзини бундай эркин ва хотиржам ҳис қилмайди. Шу боис сайёҳлар Ўзбекистонга келишни хуш кўради.

Пьябутр ВОНГСАВАТ, тадбиркор (Таиланд):

— Одатда, чет элга саёҳат қилаётган киши ўша мамлакатда дуч келиши мумкин бўлган нохуш ҳолатлардан огоҳлантирилади. Масалан, танимаган одам билан гаплашмаслик, кечаси сайр қилмаслик ёки ҳамёнини эҳтиёт қилиш тайинланади.

Ўзбекистонга сафарим олди билан мени ҳеч ким бу мазмунда огоҳлантирмади. Ҳайрон бўлдим. Аммо юртингизга келиб англадимки, бу ерда хавотир оладиган ҳолатнинг ўзи йўқ экан. Одамлар кўчаларда кечаси, ярим тунда ҳам бемалол сайр қилиб юравераркан. Бу мамлакатингиздаги тинчлик-осойишталик, халқингиз фаровонлигидан далолат.

Тинчлик ва ҳамжихатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекистон меҳмондўстлик юртингизга келадиган сайёҳлар оқимини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда Ўзбекистондан Таиландга тўғридан-тўғри авиақатнов амалга оширилаётгани ҳам жуда қувонарли.

Ишбилармонлар фақат тинчлик-осойишталик барқарор бўлган, қулай муҳит яратилган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик халқингизнинг энг катта ютуғидир.

ЎЗА муҳбири Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Харакатнинг бетакрор тухоралари


**Давоми,
(аввали 1-бетда)**

Байрамга аталган иккинчи тухфа — «Истиклол фарзандлари» ёшлар фестивалидир. У 12 августдан бошланиб, уч кун давом этади. Бу йилги фестивалнинг жаҳон миқёсида кенг нишонланадиган Халқаро ёшлар кунига тўғри келгани ҳам аҳамиятлидир.

Шу куни республикамизнинг барча ҳудудларидан пойтахтга етиб келган уч юз нафарга яқин иқтидорли ёшлар Мустақиллик майдонида бўлиб, Бахтиёр она ҳайкали пойига гулчамбарлар кўйдилар. Офтоб ўзининг заррин нурлари билан ерни

— Хар сафар Мустақиллик майдонига келганимда янги таассуротлар билан қайтман. Бу юртимиздаги тинчлик, бунёдкорлик, фаровонлик тимсоли, гўё. Фестиваль дастуридан ўрин олган тадбир ва лойиҳаларда эса истиклол йилларида мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқлар, айниқса ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ифодасини кўришимиз мумкин. Майдондаги тенгдошларим қалбида ўзгача ғурур, фахр ҳисси кечаётгани шубҳасиз. Негаки, улар мана шундай обод, хур ўлкада камолга етиб, муваффақиятларга эришмоқда.

Замонавий таълим муасса-



қанчалик қиздираётган бўлса, фарзандини бағрига босиб турган Она ҳайкали ҳам ўзининг бор меҳрини пойига таъзим айлаётган Истиклол фарзандларига улашаётгандай гўё.

Дарҳақиқат, бугун она каби меҳр ва ғамхўрлик кўрсатаётган бу Ватанда вояга етаётган ҳар бир ўғил-қиз қалбида ўзгача ғурур ва ифтихор жўш урмоқда. Буни илм-фан, маданият, санъат, спорт, хунармандчилик, тадбиркорлик каби соҳаларда тенгдошларига ўрнатилган фестивал иштирокчилари ҳам таъкидлади. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган илоҳотларга дахлдорлик туйғуси билан яшаётгани янада қувонарлидир.

саларида таҳсил олдим. Эътибор ва имкониятлардан фойдаланиб, «Президент асарлари билимдони», «Сиз қонунни биласизми?», «Ишбилармон ўқувчи», «Орт келажаги», «Камолот» стипендияси», «Иилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» танловларида иштирок этиб, ғолиб бўлдим. 2013 йилда эса Юртбошимиз фармонида асосан, «Шўхрат» медали билан тақдирландим. Мақсадим мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида хизмат қиладиган етук кадр бўлиш, — дейди фестивал иштирокчиси, қашқадарёлик Баҳодир Юсупов.

Фестиваль иштирокчиларининг қай бири билан суҳбатлашманг, шу юртда камол-

га етаётганидан бахтиёр, эришаётган муваффақиятларини эса мустақиллик шарофатидан деб билади.

Фестиваль иштирокчилари истиклол йилларида бунёд этилган йирик иншоотлар — «Маърифат маркази» меъморий мажмуаси таркибига кирувчи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси ҳамда муҳташам Симпозиумлар саройи билан ҳам танишдилар.

Миллий меъморчилик услубида бунёд этилган ушбу Миллий кутубхона биносида китобхонлар учун кенг имкониятлар яратилган. Фестиваль иштирокчилари ушбу маърифат маскандаги шароит ва қулайликлар, улардан фойдаланиш қоидаларини махсус гидлар ёрдамида билиб олди.

— Кутубхонадаги «Ўзбекистон», «Тафаккур», «Истиклол», «Кашфиёт», «Нодир», «Жаҳон», «Илмий техникавий», «Адолат», «Ижод», «Илм» каби ўқув заллари, медиа ва интернет маркази, виртуал маълумот хизмати, электрон кутубхона ҳамда имконияти чекланган фой-

даланувчилар ўқув залини кўриб, ҳайратда қолдим. Истиклол бизга мана шундай бетакрор масканларни тухфа этмоқдаки, биз ҳам унга муносиб бўлмоғимиз шарт. Мен ҳам шу юртга муносиб фарзанд бўлишга интиляпман, — дейди фестивал иштирокчиси, Тошкент кимё технология институтининг магистранти, «Камолот» таълим гранти, Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби, андижонлик С.Юнусов.

Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетиде бўлиб, у ерда талабалар учун яратилган шароитлар билан таниш-

кончилик институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби Лазиз Қаюмов.

«Истиклол фарзандлари» ёшлар фестивали иштирокчилари Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетиде ҳам бўлди.

Фестивалнинг биринчи куни «Туркстон» саройида бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остидаги гала-концерт билан якунланди.

Олдинда лойиҳа иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-



ди. Ва университетнинг биринчи проректори Конгратабай Шарипов ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев билан учрашиб, фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашди.

— Мустақиллик йилларида Навоий вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Айниқса, «Ёшлар маркази»нинг қуриб, фойдаланишга топширилиши, биз, навоийлик ёшлар учун катта совға бўлди. Бу ерда тенгдошларим ўнлаб тўғарақларда билим ва хунар ўрганмоқда, — дейди фестивал иштирокчиси, Навоий давлат

маси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Олий судга ташрифлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ҳамда «Эл-юрт ҳурмати» ордени, «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби, ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан қизиқарли учрашувлар, янги ўзбек фильмларининг тақдироти кутмоқда.

**Наргиза УМАРОВА,
Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбирлари.
Рустам Назарматов олган
суратлар.**



Kun mavzusi

Мақтаб ярмаркаларида



Пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан мактаб ўқувчилари учун ҳам сифатли, ҳам арзон ўқув қуроллари, дарсликлар, адабиётлар, болалар кийим-кечаклари ҳамда пойабзаллар республика кўргазмаси ташкил этилди. Дунё тажрибасида кузатилмайдиган мазкур тадбирда Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият олиб бораётган кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида шу йил 10 августдан 10 сентябрга қадар 1885та мактаб ярмаркаси ўтказилади. Йирик савдо мажмуалари, гавжум бозорлар ҳамда таълим муассасаларида ташкил этилган махсус ярмаркаларда 26 турдаги маҳсулот сотувга чиқарилган. Кўргазма давомида мутахассислар, жамоатчилик вакиллари ва харидорлар ҳар бир маҳсулот турининг хусусияти, нархи ва сифат кўрсаткичлари билан бевосита танишдилар.



Марғилон шаҳридаги «Grand Kibo» корхонасида 22 хил моделда болалар ва аёллар оёқ кийимлари, спорт пойабзаллари ишлаб чиқарилади. Улар тоза чармдан тайёрлангани боис кўпга чидайди, юришга қулай, оёқни чарчатмайди ва терлатмайди. Маҳсулотлар, асосан, Фарғона, Кўкон ва Марғилон бозорларида реализация қилинмоқда. Бу йил корхона илк бор вилоятдаги мактаб ярмаркаларида қатнашиб, истеъмолчилар ишончини янада қозонишни кўзлаган.



Рангли қаламлар, ручка ва фломастерлар, акварель бўёқлари, бўр, ўчирғич, пластилин... Эҳ, ҳе, «Шарқ зиёкори» китоблар маркази захирасида йўқ нарсанинг ўзи йўқ! Канцелярия маҳсулотлари билан савдо қилувчи юртимиздаги энг йирик корхоналардан бири бу сафар ҳам ўз харидорларини бефарқ қолдирмайди, чоғи. Мана бу ўқувчилар эса барчасини танлаб бўлди...



— Қизим 3-синфга ўтди. Уни мактабга тайёрлаш учун ҳар йили ўртача 100-150 минг сўм харажат қиламан, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманида истиқомат қилувчи Шаҳноза Қурбонниёзова (суратда чапдан). — Кўргазма ҳақида эшитиб, қизиқиб келдим. Маҳсулотларнинг ранг-баранглигини қаранг. Фарғоналик тадбиркорлар олиб келган мактаб формалари эътиборимни тортди. Бичими, дизайни, нархи менга маъқул.



Ўқувчининг нафақат ташқи кўриниши, балки мактаб сумкасидаги анжомлар ҳам рисоладагидек бўлмоғи даркор. Ўз навбатида, мамлакатимизда сотилаётган барча ўқув қуролларининг амалдаги стандартларга мувофиқ келиши қатъий назорат қилинади. Масалан, умумий ҳамда кундалик дафтарлар юзида ўқувчининг хаёлини чалғитувчи турли ёзув, сурат ва тимсоллар бўлиши мумкин эмас. Дарсликларга ҳам ўзига яраша талаблар мавжуд. Кўргазма давомида мутахассислар шулар тўғрисида атрофлича маълумот берди.



«Ўзбекчармпойабзали» уюмаси 12та хусусий корхона билан шартнома тузган. Ташкилот бош мутахассиси Шухрат Алиевнинг сўзларига кўра, жорий йилда мактаб бозорларига 818 минг жуфт пойабзал ва 1,6 миллион дона мактаб сумкаси етказиб бериш кўзда тутилган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига қараганда бирмунча кўп.



«Turkiston» муҳбири
Наргиза УМАРОВА фоторепортажи

Bandlik dasturi — amalda

Ёш тадбиркорнинг муваффақияти

«Менинг бизнес ғоям — 2014» кўрик-танловида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи ёш тадбиркор Рустам Исмоилов ғолиб деб топилди. Гажақ нақшли темир эшиклар, дераза панжаралари йиғилганлар эътиборини тортгани унинг ушбу турдаги хунармандлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ғояси истиқболли эканини кўрсатди.

Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони коллеж битирувчиларининг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар

таълим маркази, Савдо-сановат палатаси ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Менинг бизнес ғоям» танлови ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлашда истиқболли лойиҳалардан бирига айланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг тадбиркорлик лойиҳалари бўйича координатори Бахтиёр Мамадалиевнинг таъкидлашича, 2011 йили мазкур лойиҳада касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг 22 минг нафар битирувчиси иштирок этган

бўлса, 2014 йилда уларнинг сони 135 минг нафарни ташкил этди. Лойиҳа доирасида жорий йилда 500 нафар ёш тадбиркорга 3,9 миллиард сўмга яқин микрокредитлар ажратишга кўмаклашилди.

Металлдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ёш тадбиркор Рустам Исмоилов ҳам бу имкониятдан фойдаланиб, банкдан микрокредит олди.

— Ёшлигимдан отам Ботир Исмоиловнинг темирга қандай ишлов беришини, ундан турли шакллар ясагини кўриб ҳавас қилардим, — дейди Рустам. — Йиллар давомида отамдан ушбу хунар сирларини ўргандим. Энди-

ликда мустақил равишда фаолият юритмоқдаман. Мамлакатимизда ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамоамиз жуда аҳил, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз харидорларга манзур. «Менинг бизнес ғоям» танловидаги муваффақият бизни янада катта ютуқларга эришишга ундамоқда.

Фарида ИБОДОВА
(ЎЗА)

Iqtidorli yoshlar — mamlakat kelajagi

Бўш Вақтни билмайдиган қиз

Гулираъно Тошкент шаҳридаги «Профессорлар» маҳалласида яшайди. «Бунинг бизга нима қизиғи бор?», дерсиз. Гап шундаки, у айнан шу маҳаллада униб-ўсган, шу ерда билимли, қобилиятли, тиришқоқ, ўз меҳнати билан ҳалол яшаётган инсонларни кўрди. Қизнинг кўнгилда «Демак, мен ҳам улардек бўлишим керак», деган қатъий мақсад уйғонди.

— Ҳар куни маҳалламиз кексалари гузарларда гурунг қилиб турганини кўраман, — дейди Гулираъно Орифжонова. — Улар бола-чақа, неваралари, умуман, ёшлар ҳақида ҳам суҳбатлашади. Тарбияли, билимли ёшларни роса мақташади. Ўйлашимча, дўстларим шундай табаррук инсонларнинг тилига тушиш, онасининг юзини ёруғ қилиш учун ҳам ўз устида тинмай излансалар керак.

Кўпни кўрганлар инсоннинг ким бўлиши унинг атрофидагиларга ҳам боғлиқ, деб бежиз айтмайди. Гулираъно ҳам кўлга киритаётган ютуқларида оиласи, маҳалласи, таълим олаётган даргоҳидаги яхши муҳитнинг, у ердаги инсонларнинг ҳиссаси бор, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети санъатшунослик йўналишида таҳсил олиб, «Муस्ताқиллик йилларида миллий ҳайкалтарошлик» мавзусида изланапти.

Санъатшунос олима бўлиш орзусидаги Гулираъно бугун бу йўлдаги машаққатни ўз зиммасига олган. У миллий, аънавий зардушлик, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати ҳақидаги туркум илмий мақолалари билан республика миқёсида ўтказилаётган илмий-амалий конференцияларда фаол қатнашиб келади. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети ўқитувчиси Севара Фаёзовадан санъатшуносликнинг ўзига хос сирларини ўрганмоқда.

— Санъатни оддий муҳлис сифатида тушуниш бошқа, уни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш бошқа, — дейди устози. — Буни талабамиз яхши ҳис қилади. У осон мавзунини танлагани йўқ. Юртимиз амалий санъатини жаҳон ҳайкалтарошлик мактаби билан қиёслаб ўрганмоқда. Изланишлар шуни кўрсатадики, миллий ҳайкалтарошлигимиз бадийий ғоя ва услуб жиҳатидан бошқа халқларникидан ажралиб туради. Бу ўзига хосликни ёш тадқиқотчи кўра олди.

Мақсади йўлида қийинчилик-



лардан ҳайикмай, меҳнатдан қочмаганларга омад кулиб боқади. Гулираъно Орифжонова ҳаётда ҳам шундай бўлди. У 2012 йил Ўзбекистон Миллий университетининг махсус стипендиясини кўлга киритди. 2013 йилда Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлди.

Қаҳрамонимиз инглиз, француз тилларида битилган дурдона асарларни аслиятда ўқийди. Рақсга тушади. Ўзининг айтишича, санъатшунос фақат назарияни эмас, амалиётни ҳам билиши керак.

Мана ҳозир Гулираъно каштачилик тўғрисида кеча битмай қолган миллий каштасини тўқишга кетаяпти. Бу ердан чиқиб, у дугоналари билан пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларни зиёрат қилмоқчи. Сўнгра интернетдан илмий иши учун зарур маълумотларни излайди. Ёзади...

Хаёллари доим шундай режалару ишлар билан банд Гулираънонинг бўш вақтини энди тасаввур қилаверинг...

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Маъсума ўшанда ўсмир қизча эди. Француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг «Азизим» асари кўлига тушиб қолди. «Яхши китобга ўхшайди» — деб ўйлади у китобнинг бир-икки варағини ўқиб кўргач. Асар французчадан ўзбекчага ўгирилган эди. Шундай катта китобни таржима қилиш учун албатта ўша тилни пухта билиш керак, дея ўзича мулоҳаза қилди асар сюжетида таъсирланиб.



Тиллар оҳанрабоиси

Орадан йиллар ўтгач, у айнан ўша асарни француз тилида ўқиб чиқди. Албатта, бу орада Маъсума француз, инглиз тилларини анча ўрганиб олган эди. Аммо бадийий асарни аслиятдан ўқиса янада завқлироқ бўлишини ёш қиз ўткир зеҳни билан жуда яхши ҳис қилди. Ва бу унинг тил ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширди.

Бугун юртимизда хорижий тилларни ўрганишга маҳкам бел боғлаган ёшлар талайгина. Чет тилида бемалол сўзлаша оладиган ёшларга ҳавас билан боқамиз. Маъсума Акбарова ҳам ана шундай ёшлардан. Тил ўрганишга бўлган кучли қизиқиши туфайли у мактаб, лицей, кейинчалик жонажон университети — ЎЗМУнинг хорижий филология факультетида ҳам ҳар бир сониянинг қадрига етиб интилди, ҳаракатни заррача сусайтирмади. Ундаги кунт ва меҳр-муҳаббат эса Маъсумага яхши натижа, ютуқларни армуғон этди.

У 2008 — 2012 ўқув йиллари давомида Британия консуллиги томонидан илк бор таъсис этилган «Инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш» дастури асосида таҳсил олиб, бакалавр даражасини олиш билан бирга, ЎЗМУ раҳбарияти томонидан дастурни муваффақиятли тамомлагани

ҳақидаги сертификат билан ҳам тақдирланди.

— Бакалавр босқичида таҳсил олиш жараёнида чет тилини ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари масалалари мени қизиқтириб қўйди, — дейди Маъсума. — Шундан сўнг менда бу борада чуқурроқ изланиш олиб бориш фикри туғилди. Университетда олган билимларим бугун асқотмоқда, мавзу юзасидан даврий нашрларда илмий мақолаларим билан қатнашиб турибман. Ҳозиргача таржимашунослик, лингвистикашунослик, чет тилини ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари масалаларига оид илмий мақолаларим сони ўндан ортди. Республика миқёсида ўтказиб келинаётган илмий-амалий конференция, ўқув семинарларда ҳам қатнашиб келаяпман.

Маъсума Акбарова айни пайтда Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультети инглиз тили лингвистикаси мутахассислигининг магистратура босқичида таҳсил оляпти. Унинг магистрлик диссертацияси тилшунослик соҳасининг энг янги, долзарб масалаларга бой соҳаларидан бири — лингвистикашуносликка дахлдор.

Устози, филология фанлари номзоди, доцент

Ирода Жўраева раҳбарлигида «Ўзбек ва инглиз тилларидаги атоқли отларнинг лингвистик хусусиятлари» мавзусида илмий тадқиқот ишини олиб бормоқда. Илмий иш ўзбек ва инглиз тилларидаги атоқли отларнинг, жумладан, жой номлари, исмлар, ҳайвонот олами ва ўсимлик номларининг пайдо бўлиши ҳамда шаклланишида миллий маданиятнинг таъсирини тадқиқ қилишга бағишлангани билан долзарбдир. Ёш тадқиқотчи инглиз тилини ўқитишнинг коммуникатив методи талабларига мос бир неча методик таклифлар ишлаб чиқиб, уларни ўз педагогик фаолиятида қўллаяпти. Дарвоқе, ҳозирда у Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-академик лицейда ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бериб келяпти.

Келажақда лингвистика соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиш, Ўзбекистонда чет тилини ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини янада ривожлантириш ва уларни таълим жараёнига кенг жорий қилиш мақсадида ўқиб, изланаётган бу тадқиқотчи қизнинг орзу-мақсадлари амалга ошишига тилакдошмиз.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

«Yurt kelajagi — 2014»

Истеъдодли ёшлар танлови

Қашқадарё вилоятидаги «Лочин» оромгоҳида «Юрт келажаги — 2014» республика иқтидорли ёшлар танловининг финал босқичи бошланди. Унда танловнинг қўйи босқичларида голибликни кўлга киритган 606 нафар ўғил-қиз иштирок этмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор вазирлик ҳамда ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур танлов юртимиз ёшларини кўллаб-қувватлаш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва рағбатлантириш-

га хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Бир ҳафта давом этадиган мазкур танловда иштирок этаётган ёшлар маҳорат дарслари, маданият ва санъат соҳасининг таниқли ва тажрибали вакиллари билан ўтказиладиган учрашув ва анжуманларда ўз билим, тажриба ва маҳоратини янада ошириш имкониятига эга бўлади.

— Мазкур танлов иштирокчилари

йил сайин ошиб бормоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Сарвар Ашуров. — Бу йилги танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар 2013 йилга нисбатан анча кўп — 55 минг нафарга етгани фикримизни тасдиқлайди.

Танлов қатнашчилари архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, аънавий ва амалий санъат, адабиёт ва журналистика йўналишларида ўз билим ва салоҳиятини намойиш этмоқда.

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗГА ЮРТДАН БАХТ ИЗЛАМА

Турғун — қўли гул йигит. Сувоқчилик ва таъмирлаш ишларида унга бас келиш қийин. Топиш-тутуши ҳам ёмон эмас, гулдай оиласи, ширин-шакар фарзандлари бор. Лекин... Танишлари уни бу хунари билан чет элда катта пул топиш мумкин, деб қизиқтириб қўйди. Аёли билан маслаҳатлашиб, хорижга бирга борадиган бўлди. Уч фарзандини ота-онасига қолдирди. Бир-икки ой ишлаб, пул жўнатишди ҳам. Афсуски, кунларнинг бирида...

Турғун ва Обиданинг жасадини келтиришганда, уларни юзидан таниб бўлмади.

Уткинчи хомхаёл, бемаъни орзу-ҳавас қурбонига айланган бундай инсонлар ҳақида эшитганимизда, ачинасан, киши. Афсуски, бировларнинг ёлғон ваъдасига учиб, қуллик балосига мубтало бўлаётганлар, кам бўлса-да, ҳамон учраб турибди.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосини ташкил этади. Бинобарин, юртимизда бу жиноятга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган.

Тинчлик ва тараққиётга жиддий хавф туғдираётган трансмилий жиноятчилик — одам савдосига қарши курашиш алоҳида эътиборда. Мамлакатимизда бундай жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга энг долзарб ва зифалардан бири сифатида қаралади. Бу масалага кенг жамоатчилик эътибори жалб қилиниб, бундай жино-

ятлардан аҳоли, айниқса, ёшларни огоҳ этиш мақсадида барча таъсирчан воситалардан унумли фойдаланилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Юртбошимиз раҳнамолигида миграция жараёни ва ноқонуний меҳнат миграцияси келтириб чиқарадиган салбий оқибатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи миграция агентлиги, Чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Фарғона вилоятида ҳам фуқароларнинг чет элда ишлашга оид ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш, хорижга чиқишнинг қонуний йўлларини кўрсатиш ва ноқонуний миграция оқибатларидан огоҳ этиш, одам савдосига оид халқаро ва миллий қонунчилик меъёрларини аҳолига

етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни айниқса муҳим. Зеро, аҳолининг мақсад ва интишларини тўғри йўналтириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, турли ёт оқим ва ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда маҳалланинг кучи самарали ва кенг қамровлидир.

Маҳаллада барча бир-бирини яхши танийди, оилавий аҳолидан хабардор. Бинобарин, узоқ муддат уйда яшамаётганлар, ноқонуний меҳнат мигрантлари ҳақида ҳам, аввало, ушбу тузилмада етарлича маълумот тўпланади. Шундай экан, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, юртдошларимизни сарсон-саргардонликдан асраш, мамлакатимизда яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар хусусида тушунча беришда ҳам фуқаролар йиғинларининг таъсирчан тарғиботи ниҳоятда қўл келади.

— Шаҳар ва туманларда ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш борасида маҳалла ва ҳамкор ташкилотлар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раиси Акромжон Йўлбарсов. — Бугунги кунда яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахсларнинг рўйхати шакллантирилиб, уларнинг ҳар бири учун масъуллар бириктирилган. Жойларда ташкил этилаётган турли учрашув ва тадбирлар одам савдосига қарши курашишда самарали бўлмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш бош бошқармаси қошида ташкил этилган «Вилоят меҳнат мигрантларини мониторинг қилиш маркази» ҳам бу борада самарали чора-тадбирлардан кенг фойдаланмоқда. Замонавий техникалар ва ишонч телефони, одам савдосининг олдини олишга қаратилган кўргазма ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган марказда фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш учун барча шароит яратилган.

— Маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида мигрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оғир юкумли касалликлар ва ёт ғоялардан сақланиш йўллари ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилмурод Усмонов. — Хориждан қайтиб келган фуқаролар ўзлари истикомат қиладиган ҳудудларда ишга жойлаштирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 4 минг 714 корхона ва ташкилот 30 мингга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. 3 минг 68 нафар киши ишга жойлашишга йўлланма олди. Шунингдек, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, меҳнат қонунчилигига оид маслаҳатлар берилди. Айни пайтда чет давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган ҳамда қайтиб келганларнинг аниқ ҳисобини юритиш дастури ишлаб чиқилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

Дўкончи бола

Ёзги амалиётни туманимизнинг «Кеш» газетасида ўтаяпман. Таҳририят биноси жойлашган кўча гавжум. Кўча бошида пойабзал тузатиш устахонаси ва мўъжазгина дўкон бор. Унда ўн икки ёшли бола савдо қилади. Ажабланганим, ҳу, баҳорда, ҳали ўқув йили яқунланмасдан аввал ҳам бу «ёш дўкончи» шу ерда эди...

— Сувдан ичиб кетинг! Муздеккина «кола» бор, қуйиб берайми? — дея оғзи тинмайди.

— Нечанчи синфда ўқийсан? — қизиқиб сўрадим.

— Бешинчида, э, йўғ-е, олтинчи синфга ўтдим.

— Сени апрелдаям кўрувдим, мактабга борсанми ўзинг?

— Бориб тураман...

— Ҳозир таътил, ундан фойдаланиб китоб ўқисанг, мактабга тайёрлансанг бўлмайдимми?

Болага саволларим ёқмади, шекилли, мени эшитмасликка олди.

— «Кола»дан қуяйми, «киви»дан?

Қизиқшим орти, унинг ўқишни ташлаб нега «тирикчилик»ка ўтиб кетгани сабабини билишни истардим.

— Уларнинг етишмовчилик борми?

— Йўқ. Ота-онам ҳам ишлайди.

— Мактабда ўқиш ёқмайдимми?

— Нима деярсиз, мазза-ку!

— Ўқиш «мазза» бўлса, нега сен йил бўйи бу ердасан?

— Йил бўйимас-ей, ўқишга бориб тураман. Бўш вақтларимда чиқаман-да бу ерга...

Суҳбатимиз тугади-ю, у ҳақдаги ўйларим ҳеч тугамаяпти. Муштимдек бола, лекин барча «бозорчи» йигитлардек гапга уста. Келган харидорга шундай сўзларни айтадики, лол қоласан, киши. Ўқишга берилса, истеъдоди тўғри йўналтирилса, ундан яхши санъаткорми, суҳандонми чиқиши мумкинлигини сездим. Балки бошқа фанлардан ҳам ҳаракат қилса, яхши ўқир. Лекин гап шундаки, уни ким мактабга қайтаради? Тўғри айтаётгандир, дарсга қатнашиб ҳам турар. Бироқ ҳаёли дўконида эмас, фақат ўқишда бўлади, деб ким айта олади?

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Мохинур БҮРИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Август — hosilga hosil qo'shadigan davr

Ҳосил чўғи деҳқондан

«Ҳосилинг кам бўлса, ҳаводан кўрма», деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Экиннинг баравж ўсиши ва ҳосилнинг чўғи баланд бўлиши ҳавонинг қулай келишидан кўра деҳқоннинг меҳнатига, экинни парваришлагига, қисқаси, маҳоратига боғлиқ.

Бу йил танти деҳқонларимиз ғалладан мўл ҳосил етиштириб, ҳозирлаган хирмонига назар солсангиз, чексиз ифтихор туясиз. Ғалла хирмонлари ёнида яқин кунларда тоғдек оппоқ хирмонлар ҳам бўй кўрсатади.

Ҳамма нарсанинг ўз вақти бор. Ҳақиқий деҳқон экиннинг эътиборталаб даврини жуда яхши билади. Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой, деган сўзни ҳам айнан улар ўйлаб топган. Бу даврда ғўзага авайлаб «муомала» қилиш, керак бўлса, «эркалаб» мурожаат қилиш, хуллас, унга нимаики зарур бўлса, барчасини бериш деҳқ-

онларимиз бажарадиган заҳматли ва зифадир.

Мулкчиликка ижобий муносабат шаклланган бугунги кунда ёш фермерлар ҳам соҳада ўз ўрнини топиб бораёпти.

Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Иқбол» сув фойдаланувчилари уюшмасига қарашли «Муртазоқул» фермер хўжалигини бошқариб келаётган Дилшод Саидқулов ана шундай навқирон фермерлардан. У Зафаробод туман қишлоқ хўжалиги касбхонар коллежининг бухгалтерия ҳисоби йўналишида таҳсил олган. Коллежда ғалладан, пахтадан кўп ҳосил

олиш учун қандай агротехник тадбирларни бажариш кераклигини, қолаверса, бу соҳадаги ҳисоб-китобни яхши ўзлаштиргани Дилшодга бугун қўл келаётир. Ҳозир 21 гектар майдонда ғўзалар баравж. Чунки кўкларда чигитни вақтида экди, бегона ўтлардан тозалади. Шўр ювиш, ўғит сепиш, суғориш, озиклантириш ишлари ҳам ўз вақтида бажарилди, бунинг самараси сифатида ҳар бир ғўза 15-20тадан кўсаклаган. Пахта очилай деб қолди. Хўжалик меҳнаткашлари мўл ҳосил олиш учун меҳнат қиляпти. Уч нафар сувчи кечаю кундуз далада. Экин майдонига шарбат суви оқизилиб, ғўза қатор ораларига техник ишлов берилаяпти. Эътибор сусайтирилмаса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Shukrona

Қадамлар гагдил бўлишни истаймиз

Ўзбекнинг фарзанди келажаги учун қайғуриш-дек ажойиб одати саксон-тўқсон ёшга боргандай тарк этмас экан. Мендан беш-олти кўйлакни олдинроқ йиртган кекса педагог Камол Ғофуровни гузарда учратиб қолдим.

— Ҳа, ака, чойхонадан қайтаптиларми, дейман?

Камол ака жилмайди, қўлидаги бир талай дафтарга ишора қилди:

— Кўрмайсанми, Ўткирвой, неварам бу йил коллежга ўқишга кирди, унга деб дафтар-қалам олиб келаяпман...

— Яшанг, бобоси, яшанг, — дедим ва у билан хайр-хўшлашиб йўлимда давом этарканман, ўйладим: Камол бобо саксондан ўтган. Болалари уйли-жойли, ҳаммаси топармон-турармон. Ўзи кампири билан сўрида ёнбошлаб, ўтган-кетганни гапга тутиб, чой ичиб ўтирсаям бўлади. Кенжаси отасининг қўлига қараб қолган эмас, тадбиркор. Бир кунлик даромадига фарзандини ҳамма ўқув қуроллари ва янги ўқув йилига кийим-бош билан таъминлайди. Лекин одат-да, бобой ярим асрдан бери ҳар ўқув йили арафасида болалар-

га дафтар-қалам олиб беравериб, ўрганиб қолган. Дарвоқе, невараси мактабни битириб, энди коллежда ўқиркан-да, қандай бахтли ёшлар...

Шу хаёллар билан бўлиб, қаршимда уч-тўрт нафар ўғил-қизнинг келаётганини сезмай қолибман. Улар жилмайиб туришарди:

— Ассалому алайкум!

— Валайкум ассалом. Йўл бўлсин, болаларим, бу, жуда ясан-тусан қилиб келаяпсизлар?

— Коллежга ҳужжат топшириб қайтапмиз, амаки. Синфдошимиз. Навоий индустриал-иктисодиёт коллежида ўқишни давом эттирмаймиз.

— Баракалла, фақат яхши ўқинглар, болаларим...

Яқинда ўзим Навоийдаги кўпгина коллежлар билан бирга ушбу таълим муассасасида бўлиб, у ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб кел-

гандим. Билиб қўйган яхши-да. Келгусида неваралар ўқир, деб ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари билан шундай танишиб юраман.

Мазкур ўқув даргоҳига 2014-2015 ўқув йили учун ўнта йўналишда ўқувчи қабул қилиниши белгиланган. Коллежда ўн учта ишлаб чиқариш устахонаси, бешта махсус фан хонаси, иккита компьютер синфи, тўртта лингафон хонаси ва ўн иккита умумтаълим фанлари ўқув хоналари бор. Менга ўхшаган кекса одам учун буларни томоша қилишнинг ўзи эртадек гап. Фақат бу ерда эмас, ўзим бўлган барча касб-хунар коллежларида шароит шундай: замонавий аудиториялар ва лаборатория, компьютер хоналари барча зарур техник ускуналар билан жиҳозланган. Ўзим ўқиган мактабни эслайман: одамнинг боши шифтга тегарди. Бугунги мактаб ва академик лицей, касб-хунар коллежларига қиёслаш ҳам қийин. Мактабимизнинг девори ҳар йили бир сувалганидан қалинлиги бир метрга етиб қолганди. Бугунги таълим муассасалари худди ко-

шонанинг ўзи, уларни ҳар йили ҳашар йўли билан таъмирлаб туришга ҳожат йўқ.

Мактабимиз кутубхонаси эски бир омборхонанинг ўрнида жойлашган, қоронғилигидан у ерда китоб ўқиб бўлмасди, кутубхоначига ялиниб-ёлвориб, уйга олиб кетиб ўқирдик. Навоий индустриал-иктисодиёт коллежи ахборот-ресурс маркази кенг ва ёруғ хонада жойлашган. АРМ раҳбарининг айтишича, ўттиз минг китоб фондига эга. Нима, дедим, — кексалик панд бериб, қулоғим яхши эшитмади, чоғи деб ўйладим-да. Ўттиз минг? АРМ раҳбари кулди. Унинг айтишича, бу ерда электрон китоблар ҳам бор экан. Қаранг-а, дедим. Ҳозирги ёшлар компьютерга термилиб ҳам китоб ўқишар экан-да!

Коллежнинг 180 ўринли ётоқхонаси, шунча ўринли ошхонаси ҳам бор. Таълим муассасасида ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғуланишлари учун волейбол, футбол, баскетбол, кўл тўпи, стол тенниси тўғараклари ташкил этилибди.

Мен ўзим ҳам профессио-

нал спортчиман. От спорти, енгил атлетика ва волейбол билан шуғулланганман. Етмиш олтига қараб кетаяпман. Аммо худого шукрки, имкон туғилди дегунча, кўпкари ёки от пойгаги мусобақаларида ҳалиям иштирок этиб тураман. Мен буларни нима учун айтаётирман? Бизнинг давримизда спортнинг санокли турлари билан шуғулланиш имкони бор эди. Бугун «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинларини кузатиб ҳам севинаям, ҳам ичимда бир нима «чирт» этиб узилгандай бўлади. Эҳ, дейман. Ҳозирги шароитлар бўлганда, балки мен ҳам жаҳон чемпиони, Осиё чемпиони бўлардим? Равшан Эрматов, Нодирбек Абдусатторов, Сарвиноз Қурбонбоева, Руслан Нуриддиновлар ютуғини кўриб, уларга ҳавас қиларканман, мустақиллик фарзандлари нақадар бахтли авлод эканига амин бўламан.

Ўқув йили бошланишига ҳам оз фурсатлар қолди. Мустақиллик айёмининг янги ўқув йили билан бир вақтда нишонланишида ажиб ҳикматни кўраман. Сентябрьнинг илк кунларида ҳар бир ўғил-қиз бир ёшга улғаяди. Бу ҳар бир ўзбекистонлик ёш ўзининг порлоқ келажаги сари бир қадам қўяди, дегани. Мен мана шу қадамнинг дадил қўйилиши, янги мақсадлар томон муҳим қадам бўлишини истайман.

Ўткир ПЎЛАТ,
фахрий журналист

Istiqlol imkoniyatlari

Бунда истеъдодлар камол топади



Сурхондарёлик Нафиса Наимова 2012 йилда Россиянинг Новосибирск шаҳрида ўтказилган «Ёш вокалчилар» халқаро танловида академик хонандалик йўналиши бўйича биринчи ўринни олиб келган эди. Истеъдодли қизнинг ютуғи мактабдошларига ҳам илҳом бағишлади. У таҳсил олаётган Ангор туманидаги 9-музыка ва санъат мактабида ўқиётган бошқа болалар ҳам турли танловларда муносиб иштирок этиб келмоқда.

Бу йил ушбу музыка ва санъат мактаби ўқувчилари ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Мактаб янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди.

150 ўқувчига мўлжалланган музыка ва санъат мактаби янги биносининг кўркама ва замонавий қиёфа касб этиши учун давлатимиз томонидан 2 миллиард 466 миллион 854 минг сўм маблағ сарфланди. Бу юртимизда санъатга, санъат аҳлига, жумладан, музыкага ихлос-

манд ёш авлоднинг яхши таълим олишига қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг бир ифодасидир.

Таълим муассасасида 21та ўқув хонаси, икки юз ўринли концерт зали ўқувчилар ихтиёрида. Барча ўқув хоналари замонавий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланган, етарли билим олиш учун барча шароитлар муҳайё.

— Ўттиз йилдан буён ушбу музыка мактабида дарс бериб келаман, — дейди академик ижро син-

фи ўқитувчиси Эргаш Узоқов. — Авваллари ўқувчиларимиз мослаштирилган мактабда ўқиган. 2014 йилнинг январ ойидан бошлаб эса, кўриб турганингиздек, мана бу замонавий, барча қулайликларга эга бинода сабоқ олаёпти. Бунинг учун авваламбор, Президентимизга, давлатимизга мактабимиз ўқитувчилари ва ўқувчилари номидан миннатдорлик изҳор қиламан.

Болалар музыка ва санъат мактаби ўқувчилари вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танлов ва фестивалларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Нафиса Наимовадан ташқари Мафтуна Рустамова, Сайёра Шодиева, Ҳасан-Хусан Мамановлар каби иқтидорли ўқувчилар қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли.

«Ёш ижрочи — 2014» вилоят кўрик-танловида мактабнинг хор жамоаси Гран при, Малика Аллабердиева хонандалик йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби бўлди. «Раққос ва раққосалар» кўрик-танловида қатнашган Сайёра Шодиева ҳамда Ҳасан Мамановга ҳам биринчи ўрин насиб этди.

Нафиса Наимова ва унинг тенгдошлари давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, бундан ҳам юқори чўққиларни забт этишни мақсад қилган.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Shunday markaz bor



Ҳамиша гаВжум тўғарак

Йигит кишига етмиш хунар ҳам оз, дейишади. Қиз болага-чи? Бизнингча, қизлар ҳақида бу борада кўп гап айтиш шарт эмас. Хунар ўрганиш ҳар бир қизнинг тийнатида бор.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бешарик тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»га борсангиз, ана шундай интилувчан қизларни учратасиз. Инглиз тили ва тўқувчилик тўғараклари доимо гавжум.

Биргина тўқувчилик тўғарагида бир вақтнинг ўзида уч гуруҳда йигирма нафардан қиз ҳар хил турдаги сумкалар, либослар тўқишни ўрганади.

СУРАТДА: ЁИХМ тўқувчилик тўғараги раҳбари Замира Фаниева шогирдлари билан машғулот жараёнида.

Нодиржон ЮСУПОВ фотолаҳаси

